

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ  
акциядорлари таъсис йиғилишининг  
2020 йил “**44**” **06** **1**-сон баённомасига  
9-илова

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамияти  
тафтиш комиссияси тұғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини химоя қилиш тұғрисида”ги, “Сұғурта фаолияти туғрисида”ги ыңғынлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги Фармони, ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг (кейин ўринларда – Жамият деб юритилади) уставига асосан ишлаб чиқилған.

2. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайлаб күйиладиган, назорат-тафтиш органды ҳисобланади.

3. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилік хужжатлари, Жамият устави ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

**2-боб. Тафтиш комиссиясининг таркиби (тафтишчи)**

4. Тафтиш комиссияси Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Жамият акциядорлари томонидан номзоди таклиф этилган шахслар орасидан бир йил муддатга сайланади. Айни бир шахс Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мүмкін эмас. Шунингдек, Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини аудиторлық ташкилотлари ҳам Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланған тақдирда амалга ошириши мүмкін.

5. Жамият акциядорлари Тафтиш комиссиясининг белгиланған миқдор таркибидан ошмайдын тарзда номзодлар күрсатылғанда қарори беріледі. Бунда, номзодларнинг исми-шарифи, лавозими күрсатылған ҳолда ёзма шаклда кирилләп жеткізіледі.

6. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

7. Тафтиш комиссияси аъзолари айни бир вақтда Жамият кенгашы аъзолари бўлиши, шунингдек Жамият бошқаруви органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мүмкін эмас.

8. Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи оддий акцияларга эгалик қилувчи акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади.

Овоз бериш натижаларига кўра энг кўп овоз олган номзод Тафтиш комиссиясига сайланган ҳисобланади.

9. Тафтиш комиссияси ваколат муддати у сайлангандан бошлаб кейинги йилда ўтказиладиган йиллик (ҳисобот) Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайлангунга қадар амал қиласди.

10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссияси ваколатларини муддатидан олдин тугатиши мумкин.

### **3-боб. Тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш**

11. Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида қабул қилинади.

12. Тафтиш комиссияси мажлиси барча аъзолар иштирок этган тақдирдагина ваколатли бўлади.

13. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир.

Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хуносалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади.

Овозлар teng бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан Раис ва Котибни сайлайди.

Тафтиш комиссиясининг Раиси ва котиби Тафтиш комиссияси аъзолари орасидан оддий кўпчилик овози билан сайланади.

15. Тафтиш комиссияси Раиси:

Тафтиш комиссиясининг мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қиласди;

Жамият Бошқаруви, Жамият кенгashi мажлисларида, Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг номидан вакил бўлади ва текшириш натижалари юзасидан ҳисобот беради;

Тафтиш комиссиясининг номидан чиқадиган хужжатларга имзо чекади.

16. Тафтиш комиссияси Котиби:

унинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади;

Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хуносаларини тегишли манзилларга етказади;

комиссия номидан чиқадиган хужжатларга имзо чекади.

**4-боб. Аудиторлик ташкилотининг тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини бажаришдаги фаолиятини ташкил этилиши**

17. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини бажариш учун профессионал аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ микдорини белгилаш Жамият кенгашининг тавсиясига кўра акциядорлар умумий йиғилиш томонидан амалга оширилади.

18. Аудиторлик ташкилоти акциядорларнинг умумий йиғилишида бир йил муддатга Жамиятнинг Тафтиш комиссияси вазифаларини амалга ошириш учун тайинланади. Айни бир аудиторлик ташкилоти Тафтиш комиссиясига кетма-кет уч мартадан ортиқ тайинланиши мумкин эмас. Шунингдек, Жамиятга аудиторлик текширувни ўтказиш учун белгиланган аудиторлик ташкилоти айни бир вақтда Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини амалга ошириш учун тайинланиши мумкин эмас.

19. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат (тафтиш) қилиш мақсадида аудиторлик ташкилотини жалб қилишда:

доимий (профессионал) аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ваколатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши;

аудиторларнинг аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлиши;

устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташки аудит ўтказишга қўйилган аудиторлик ташкилотларининг рўйхатига кирган ташкилотларга эътибор берилади.

20. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини аудиторлик ташкилотининг камидаги уч нафар аудитори бажариши лозим.

21. Тафтиш комиссияси ҳар чорақда аффилланган шахслар билан йирик битимларнинг мавжудлиги, уларнинг амалдаги қонунчилик талабларига мослиги юзасидан хulosани чорак якунидан сўнг узоғи билан бир ой муддат ичida Жамият кузатув Кенгashi ва Жамият Бошқаруви муҳокамасига киритади.

22. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра, низомнинг 25-банди талабларидан келиб чиқиб, ўз хulosасини тайёрлайди ва Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кун олдин Жамият Акциядорлари Умумий йиғилишига тақдим этади.

23. Хулоса Тафтиш комиссияси аъзоларининг барчаси томонидан имзоланиши шарт. Шунингдек, хулосада Тафтиш комиссиясида иштирок этган ходимларнинг малака гувоҳномаларининг серия, рақами кўрсатилиши ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

## **5-боб. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) вазифалари ва ваколатлари**

24. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз ваколат доирасида Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) унинг молиявий йилдаги фаолияти якуnlари бўйича, шунингдек Акциядорлар умумий йиғилиши, Жамият кузатув Кенгашининг қарори ёки Жамият акциядорларининг талабига асосан оралиқ давр ичидаги фаолият якуnlари бўйича амалга оширади.

25. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) молиявий йил фаолияти бўйича ўтказилган тафтиш тўғрисидаги хulosани Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кун олдин Жамият кузатув Кенгашига ва Жамият Бошқарувига тақдим этиши шарт.

## **6-боб. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) томонидан Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш тартиби**

26. Жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Жамият Бошқарувида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

27. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш жараёнида куйидагиларни текширади:

Жамият фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларига риоя қилиниши;

Жамият кузатув Кенгashi ва Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг Жамият устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлиги;

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши, Жамият кузатув Кенгashi, Жамият Бошқаруви қарорларининг бажарилиши;

Жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг тўғри амалга оширилиши;

илгариги Тафтиш комиссияси (тафтишчи) томонидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан берилган кўрсатмаларини бажарилиши;

Жамият мол-мулкини инвентаризация қилиш билан боғлик бўлган хужжатларни ва мазкур хужжатларнинг бухгалтериянинг бирламчи хужжатларига мувофиқлигини аниқлаш.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан берилган бошқа топшириқларни бажариш;

Жамият номидан тузилган шартномаларнинг, амалга оширилган битимларнинг, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг амалдаги қонунчиликка мослиги юзасидан текшириш;

бюджетга тўловларни, иш хақи ва дивидендларни ҳисобланиши, облигациялар бўйича фоизли тўловлар ва бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда тўғри амалга оширилганлиги юзасидан назорат;

Жамият баланснинг тўғри тузилганлиги, йиллик ҳисоботи, фойда ва зарарлари ҳисоби, фойданинг тақсимланиши, солик инспекциясига ҳисобот ҳужжатлари, статистика органларига ва давлат бошқарув органларига берилган ҳисоботларни текшириш;

Жамият томонидан қимматли қофозлар ва акциядорлик жамиятлари фаолиятига оид қонун ва норматив ҳужжат талабларига риоя қилиниши, шу жумладан, аффилланган шахслар билан амалга оширилган битимлар ёки жамиятда амалга оширилган йирик битимларни текшириш.

28. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) томонидан текшириш ўтказиш муддати 30 календар кундан кўп бўлмаслиги лозим.

## **7-боб. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

29. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) куйидаги ҳуқуқларга эга:

молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланиши ёки Жамият манфаатларига таҳдид солиниши Жамият бошқарув органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолларда ваколатли шахслардан Жамият Бошқаруви, Жамият қузатув кенгashi мажлислирини, Акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда Жамиятнинг Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш (бир овоз билан қарор чиқарган ҳолда);

Жамият ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахсларидан, Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунириш беришни талаб қилиш;

Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматчилари олдига, Жамият томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва ўйриқномаларни бузган тақдирда, Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

мазкур низомнинг 27-бандида назарда тутилган ҳужжатларни белгиланган тартибда Жамият Бошқарувидан, таркибий бўлим раҳбарларидан талаб қилиб олиши ва фойдаланиши мумкин;

амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ тафтиш комиссиясига амалга оширган фаолияти ва харажатларини қоплаш мақсадида мукофот ва (ёки) компенсациялар олиши.

30. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси (тафтишчи) текширув мавзуига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдир.

31. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳақда у Жамият кузатув кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорлар Умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

32. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) қўйидагиларга мажбур:

Акциядорлар умумий йиғилиши, Жамият кузатув Кенгashi, Жамият Бошқаруви эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Жамият бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси (тафтишчи) фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

Жамият манфаатларига ҳақиқатда хавф таҳди迪 пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган сустеъмолликлар аникланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

Тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этишга мажбурдирлар ва улар ўз ваколат доираларида йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоб беришлари шарт.

33. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси (тафтишчи) хулоса тузади ҳамда бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо берилиши;

бухгалтерия ҳисбини юритиш ва молиявий ҳисботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

34. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) хулосаси унинг барча аъзолари томонидан, жумладан хулосадан норози бўлган аъзоси томонидан ҳам имзоланади. Тафтиш комиссиясининг хулосасига қарши (норози) бўлган Тафтиш комиссияси аъзоси хулосага ўзининг қаршилик (норозилик) сабаблари кўрсатилган алоҳида фикрини илова қиласди.

35. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда (*ҳисобот даври тугаганидан сўнг 40 (қирқ) кун муддат ичida*) Жамият кузатув Кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Мазкур Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг умумий йиғилишида эшитилади.

#### **8-боб. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) жавобгарлиги**

36. Жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) Жамият ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Жамият уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **9-боб. Якунловчи қоидалар**

37. Жамият Бошқаруви Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ишлаши учун лозим бўлган шарт-шароитни яратиб беради, жумладан Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ишлаши учун лозим бўлган хона, техника жиҳозлари, керакли хужжатлар билан таъминлайди.

38. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз вазифаларини амалга оширган даврда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан ҳақ тўланиши ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари Жамият ҳисобидан қопланиши мумкин.

Всего прошито, пронумеровано  
и скреплено печатью

(  
Листа(ов).  
Подпись

